

Қорақалпоғистон мактабларида туркман тили ва адабиётини ўқитишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш

Т.Байжанов- Т.Н.Қори-Ниезий номидаги
ЎзПФИТИ Қорақалпоғистон филиали
катта илмий изланувчиси

Тил ўргатиш жараёни албатта, ўзида коммуникатив хислатларга эга бўлишни тақозо этувчи фанлараро узвийликни таъминлашни назарда тутди. Бунда ўқувчиларда қуйидаги сифатларни кўра билиш муҳим аҳамиятга эга: хушмуомалалилик, ҳозиржавоблилик, ўзгаларнинг фикрини тинглай олиш, ахлоқлилик, ўзгаларга ибрат кўрсата олиш ва бошқалар.

Дарсдан ташқари ишларнинг нутқий фаолият турларини ривожлантиришдаги хизмати бир хил эмаслигини эътиборга олиш даркор: уларнинг бир қисми ўқиш ва нутқни тинглаб тушуниш, шеърлар айтиш, қўшиқ куйлаш, ёзиб берилган сўзларни ёддан ўқиб маърузалар, чиқишлар қилиш шаклида ўтиб, фақат пассив (рецептив ва репродуктив) нутқни ўстириш имконини беради. Тадбирларнинг яна бир қисми мустақил равишда фикр юритишни, баён этишни тақозо қилган ҳолларда оғзаки ва ёзма (фаол, махсулдор) нутқни ривожлантириш учун хизмат қилади. Дарсдан ташқари ишларнинг айримлари эса ҳам пассив, ҳам фаол нутқни бойитиш учун кенг имкониятлар яратади. Шунга кўра, мактабда ўзбек тилидан йил давомида ташкил этиладиган ва ўтказиладиган тадбирлар фақат пассив ёки фақат фаол нутқ ўстирадиган бўлиб қолмаслиги, бу ишда кетма-кетлик, параллелик ёки алмашилиб туришликка эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчилар билан нутқ ва нутқни шакллантириш муаммолари тўғрисида ўтказиладиган мунозарада ҳар қандай савол-жавоблар ҳам зарур бўлган педагогик вазиятни ҳосил қилавермайди. Зеро, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиладиган саволлар уларни ўйлантириши, мулоҳаза юритишга ундаши, ўз фикр-қарашларини ҳимоя қилишга, қолварса, ўзлаштирилаётган тилда қай тарзда фойдаланишининг ҳолатини билиш зарур. Шундагина мунозара жараёнида яратиладиган педагогик ёндашув кутилган илмий-услубий самарани беради.

Биз юкори синф ўқувчиларининг нутқ ўстиришга йўналтирилган машғулотларини кузатиш ва ташкил этиш жараёнида қуйидаги саволлар билан уларга мурожаат қилдик:

1. Сўзлашув маданияти ва анъаналари деганда нимани тушунасиз?
2. Қардош халқлар тилини ўзлаштиришда ўқувчилар учун тил ўрганишнинг қандай муаммолари бор деб ўйлайсиз ?
3. Сиз ўқувчилар нутқ маданиятини шакллантиришда қандай ишларни амалга ошириш керак деб ҳисоблайсиз ?

Бундай саволлар ўқувчиларни фикр юритишга, тил ўрганиш билан боғлиқ муаммоларни ўз кузатув тажрибаларига асосланиб баён этишга ундайди.

Педагогик муаммо ўқувчиларнинг билим савияси, фикр доирасини ҳисобга олган ҳолда яратилади. Одатда, саволларга жавоб беришда, ўқувчиларнинг 80-90% и иштирок этиб, 58-60% ўқувчи пассив тингловчи бўлиб ўтиради. Агарда ушбу вазиятда ўқувчиларнинг қисқа-қисқа, аниқ жавобларидан фойдаланилса, ўртага ташланган муаммо юзасидан бутун ўқувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма равишда баён этсалар, билими саёз ўқувчилар ҳам фикрлашга мажбур бўлади.

Синов машғулотлари ўқувчилар ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Синов тарзидаги машғулотлар, тадқиқот муаммоси – туркман тилини ўрганишнинг дидактик масалаларига оид бир қатор назарий муаммоларнинг ижобий ҳал қилинишини таъминлайди. Биз томонимиздан ўтказилган синов машғулотларида ўқувчилар дарслик ва дастур материалларини пухта ўзлаштиришга, билим, малака ва кўникмаларини умумлаштиришга, назорат ва ўз-ўзини назорат қилишни ўрганишга ҳаракат қилдилар.

Ушбу машғулотларда ўқувчилар ўз фикрлари, қарашлари, муносабатларини эркин баён этиш ва уларни ҳимоя қилиш маҳоратига эга бўладилар. Мазкур педагогик ҳолат ҳам тил ўрганишнинг услубий жиҳатларини таъминлашда етакчи омиллардан саналади.

Шу сабабли ўқувчиларда тил ўрганишга бўлган қизиқишни шакллантириш ўзига хос услубий йўллар билан амалга оширилиши лозим. Мавжуд монографиялар, оммабоп рисоалар, мақолалар, дарсликлар, тадқиқотларни ўрганиб чиқиб ва таҳлил этиб, бугунги умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари таълим-тарбиясига берилаётган эътиборни ҳисобга олган ҳолда қуйидагича хулоса қилиш мумкин: тил ўрганиш билан боғлиқ ижтимоий фанлар йўналишининг баъзи жиҳатлари ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти маълум даражада услубий муаммоларни ечишга қаратилган. Лекин мазкур фанлар йўналишида туркман тили ва адабиёти ўқитилишини дидактик жиҳатдан таҳлил этишга оид услубий масалалар ҳануз ўз ечимига муҳтож муаммолардан ҳисобланади.

Тил ўрганишнинг услубий муаммоларидан яна бири бу ўқувчиларни луғат билан ишлашга ўргатишнинг турли хил усулларини излашдир.

Ўқувчиларни луғат турлари, хусусан, имло луғати, икки тилли ва лингвистик луғатлар билан ишлашга ўргатиш орқали уларнинг дунёқарашини бойитиш, мантикий тафаккурни ўстириш имкониятлари кенгайди. Луғат билан мунтазам ишлаш ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишга, сўзларнинг маъноларини англашга, саводхонлик даражасини кўтаришга хизмат қилади, нутқ намунасини яратишда саводхонлик ва ижодийликни таъминлайди, ижодий фикрлашга ўргатишнинг самарали омили бўлиб хизмат қилади.

Баъзи муассасаларда тилшунос ўқитувчилар томонидан луғатлар билан ишлаш мониторингини юритиш ташкил этилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад – ўқувчиларга тил ўрганишнинг ижтимоий хусусиятлари, тил ўрганишнинг педагогик жиҳатлари, йўналишлари, аҳамияти, назарий ва амалий асослари, мазмуни, шунингдек, ушбу йўналишда манбаларни тўплаш, ўқувчиларга бу борадаги назарий ва амалий маълумотларни етказишдан иборат деб белгиланади.

Ушбу - луғат билан ишлаш жараёнини мониторинг қилиб, кузатиб бориш қуйидаги педагогик вазифаларни ижобий ҳал этишда ўз самарасини беради, дейиш мумкин:

- ўқувчиларни тилларга ўргатишда луғатлар билан ишлаш жараёнини кучайтириш мақсадида ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш;
- ўқувчилар ўртасида луғат билан ишлаш жараёнини йўлга қўйишда турли чоратadbирлари сони ва сифатини ошириш;
- ўқувчиларнинг мустақил тарзда луғат билан ишлашларини рағбатлантириб бориш;
- мазкур жараёнларда синф ўқувчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш.

Умуман олганда, тил ўргатиш ва тил ўзлаштириш жараёнларини кузатишда мониторинг ишларини ташкил этиш билан боғлиқ қуйидаги услубий асосларга эътибор қилиш муҳимдир:

1. Мониторинг фаолиятини йўлга қўйиш имконини берувчи шароитни яратиш (махсус хона ажратиш янада маъқул бўлар эди).
2. Мониторинг фаолиятини ташкил этишда кўмакчи бўладиган ўқувчиларни аниқлаш ва уларнинг вазифалари доирасини белгилаб олиш.
3. Мониторингнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш.
4. Ўқувчиларнинг луғат билан ишлашдаги ўзлаштиришларини кузатиш мониторингини узлуксиз, изчил ва мақсадга мувофиқ йўлга қўйилиши юзасидан назорат ишлари олиб бориш.

Шунингдек, ушбу мониторинг фаолияти негизида педагогик хусусиятга вазифалар қуйидаги шакллар асосида ташкил этилиши зарур:

- ўқувчилар ўртасида семинар, тренинг, суҳбат, давра суҳбати, баҳс-мунозара,

кеча, анжуман, ўқувчилар конференцияси, учрашувларни ташкил этиш;

- ўқувчиларнинг шахсан иштирокида тил ўрганиш жараёнларини ривожлантирувчи тадбирлар ташкил этишга эришиш.

Бунда тасвирий санъат асарлари намуналари, видеофильмлардан фойдаланиш асосида ўтказиладиган ижодий ишлар ўқувчининг ижодий фикрлаш кўникмасини ривожлантириш билан бирга уни дарс жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиришнинг энг қизиқарли ва ўта таъсирчан воситаларидан ҳисобланиши назарда тутиш керак бўлади.

Туркман тили дарсларида синовларнинг биринчи босқичини ташкил этишда респондент сифатида белгиланган ўқувчи ва ўқитувчилар иштирокида олиб борилган тадбирлар қуйидаги методлар ёрдамида ташкил этилди: тушунтириш, ҳикоя қилиш, суҳбат, амалий машғулотлар, тренинг, анкета ва тест сўровлари, интервью, ноанъанавий методлар – «Ақлий ҳужум», «Кластер методи», «Қарорлар шажараси», «Аҳамиятли йўналтириш» ва ҳоказо.

Ўқувчиларга тил ўргатишга йўналтирилган тадбирларни ташкил этишда ва ўтказишда қуйидаги воситалардан фойдаланиш самарадорлиги аниқланди: ўқув ва методик адабиётлар, машғулотларнинг ишланмалари, схемалар, тасвирлар, лойиҳалар, диаграммалар, тил ўрганишнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли ҳақида мутафаккирлар фикрлари, халқ оғзаки ижоди намуналари, хорижий мамлакатлар ва тил ўргатиш курслари иш тажрибалари, техник воситалар, ахборот воситалари (телевидение, радио, компьютер, аудио ва видео қурилмалар), соҳа мутахассислари – тилшунос олимлар, таржимонлар фаолияти намуналаридан фойдаланиш зарур.

Умумий ўрта таълим муассасалари амалиёти ҳамда респондентларнинг фаолиятларини бевосита ёки билвосита кузатиш, улар билан фаол мулоқотда бўлиш натижалари шуни кўрсатдики, ўқувчиларни айнан ўқув-билув фаолиятида тил ўрганишга бўлган қизиқишларини шакллантириш таълим жараёнининг умумий ютуқларини қўлга киритиш кафолати бўла олади.